

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИ

Муродов Шухрат Комил ўғли
ТерДУ магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу тадқиқот ишининг асосий мақсади Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ташкил топиши тарихини ўрганиш ва унинг фаолиятини таҳлил этишдан иборат. Собиқ иттифоқ давридан буён фаолият кўрсатиб келаётган идора ҳозирги янги Ўзбекистонда етакчи диний идора вазифасини бажариб келмоқда.

Калит сўзлар: *Диний бошқарма, Мир Араб, Тошкент Ислон институти, Виждон эркинлиги, ISESCO*

ABSTRACT

The main purpose of this research work is to study the history of establishment of the Office of Muslims of Uzbekistan and analyze its activities. The office, which has been operating since the time of the former union, is the leading religious office in modern Uzbekistan.

Key words: *Religious Department, Mir Arab, Tashkent Islamic Institute, Freedom of Conscience, ISESCO*

КИРИШ

Ислон дини инсониятнинг маънавий-руҳий камолотга эришиш йўлларини кўрсатиб беришга хизмат қиладиган ғоя ва қарашларни ўзида мужассам этганлиги сабабли бутун дунёда унга бўлган қизиқиш тобора ошиб бормоқда. XX аср бошларига келиб Ўзбекистон ҳудудида асрлар давомида шаклланиб ва ривожланиб келган анъанавий таълим тизими трансформацияга учради¹. 1917 йилда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан янгича қиёфадаги совет шахсини шакллантириш мафкураси илгари сурилди. Бу ўлкадаги анъанавий таълим тизими муассасалари – эски усулдаги мактаб ва мадрасаларнинг тугатилишига олиб келди. II жаҳон уруши йилларида сиёсий вазиятнинг ўзгариши 1943 йилда минтақада муҳим диний идора – Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармасининг ташкил этилишига олиб келди. Республикада амалда “виждон эркинлиги” мавжудлигини халқаро майдонда намоиш этиш мақсадида бошқарма таркибида янги кўринишдаги, анъанавий

¹ Бу ҳақда тўлиқроқ: Демидов Г.В. Светскость и религия: трансформация понятия “религиозное образование” в современном мире // Вестник ГГГУ Научный журнал. 2016. №4 (6). – С.43-61.

таълим тизимидан муайян даражада фарқ қиладиган Мир-и Араб² (1946) ва Бароқхон³ мадрасалари (1956-1961) очилди ҳамда Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти (1971) ташкил этилди. Айнан Ўзбекистонда ушбу диний таълим муассасаларининг ташкил этилиши совет ҳукуматининг ўзига хос диний сиёсати билан боғлиқ бўлса-да, ҳозирги кунгача бу масала алоҳида муаммо сифатида тадқиқ этилган эмас. Совет даврида ҳукуматнинг диний сиёсати бир хилда бўлмай, ички ва ташқи омиллар таъсирида ислом динига бўлган муносабат ўзгариб турган. Айрим йилларда динга нисбатан ён босиш сиёсати олиб борилган ва диндорларга баъзи енгилликлар ва эркинликлар берилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тадқиқотчилар 1928 йилдан II жаҳон урушигача бўлган даврни “исломни, шунингдек СССРдаги бошқа динларни таъқиб ва қувғин қилиш, ёки шафқатсизлик билан тор-мор қилиш даври”, – деб изоҳлайдилар⁴. Чунки бу йилларда ўлкадаги барча масжидлар оммавий ёпилган, дин вакиллари қатағон қилинган, мусулмон диний тузилмалари тугатилган эди. Аксарият адабиётларда кейинги йиллар, айниқса, II жаҳон уруши йилларида давлатнинг ислом динига бўлган муносабатларига алоҳида эътибор қаратиб, 1941-1945 йиллардаги уруш СССР ҳукумати сиёсий барқарорликни таъминлаш мақсадида дин борасида, хусусан, ислом дини борасида ҳам баъзи бир ён беришларга олиб келганини таъкидлашади⁵. Совет давлати олдинги ғоявий кўрсатмаларни рад этиш орқали динга ва диний эътиқодга ижобий муносабатда бўлиш, шу йўл билан халқнинг руҳий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлаш, жисмоний кучини урушга сафарбар

² Мир-и Араб мадрасаси Бухоро олий ҳукмдори Шайбонийлар сулоласининг вакили Убайдуллахон инъом этган маблағ ҳисобига Шайх Абдулла томонидан 1530-1536 йилларда қурилган. Ушбу ном Мир Араб, Мири Араб шаклида ҳам учрайди. Биз тадқиқотимизда мадрасанинг этимологик ва халқаро илмий адабиётларда учрайдиган номини ҳисобга олиб, Мир-и Араб сифатида қўллашни лозим топдик. Бу ҳақда қаранг: Бабаджанов Б.М. Мири Араб // *Культура кочевников на рубеже веков (XVI-XX вв.): проблемы генезисов и трансформации.* – Алматы. 1995. – С. 88-102; Мири Араб // *Исламшунослик қомусий луғати.* – Тошкент: Movogounnahr. 1-жилд. 2013.– Б. 244-245; Eren Tasar. *The Official Madrasas of Soviet Uzbekistan // Journal of the Economic and Social History of the Orient.* 2016. – Vol.59. – P. 265-302.

³ Булатова В.А. Медресе Барак-хана (комплекс Хазрет-имам). – Ташкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 9; Бароқхон мадрасаси // *Ислом нури.* 2012 йил 29 февраль, 6-бет; Бароқхон // *Исламшунослик қомусий луғати.* – Тошкент: Movogounnahr. 1-жилд. 2013. –Б. 102-103.

⁴ Bennigsen A. *Islam in the Soviet Union // Journal of the South Asian and Middle Eastern Studies.* – Villanova. 1985. Vol.8. №4. – P. 115-133; Арапов Д.Ю. *Ислам и советское государство (1944-1990) Документы.* –М.: Марджани, 2011. – С. 14-17.

⁵ Bennigsen, A (co-authorship Lemercier-Quellejey Ch). *Islam in the Soviet Union.* – New York: Praeger, 1967. – 272 p.; Harry Lipset. *Education of Moslems in Tsarist and Soviet Russia // Comparative Education Review,* Vol.12, No.3, October, 1968. – P. 310-322; Devin DeWeese. *Islam and Soviet Legacy of Sovietology: A Review essay on Yaacov Ro'i's Islam in Soviet Union // Journal of Islamic Studies,* 13:3, 2002. – P. 298-330; Khalid Adeeb. *Islam after Communism. Religion and Politics in Central Asia* – London, 2007. – P. 78.

этиши керак эди. Бу жараёнда давлат уруш йилларида армия ва халққа рухий ва моддий ёрдам кўрсатиш, халқларнинг ғалабага бўлган ишончини ошириш мақсадида фронт ортида иккинчи линияни очишга мажбур бўлди. Бунинг асносида 1942-1943 йилларда Совет Иттифоқидаги қатор шаҳарларда диний марказлар очилишига рухсат берилиб, Буйноқда Шимолий Кавказ мусулмонлари бошқармаси, Бокуда Кавказorti мусулмонлари диний бошқармаси, Уфада Россия ва Сибирь мусулмонлари диний бошқармаси, 1943 йилда Тошкентда расмий Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (кейинги ўринларда – ЎОҚМБ) ташкил этилади. Диний бошқарма Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхоннинг⁶ саъй-ҳаракати билан 1943 йил 20 октябридан расмий фаолият олиб бора бошлаган. 1957-1982 йилларда уни З.Бобохонов⁷, 1982-1989 йилларда Ш.Бобохонов⁸, 1989-1993 йилларда Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф⁹ бошқарган. Диний бошқармаларнинг асосий вазифалари сифатида ўлкада диний урф-одатларни бошқариш, дин масаласида фатволар чиқариш, диний китобларни нашр қилиш, мусулмонларни диний руҳда тарбиялаш, хорижий мусулмонлар билан алоқалар ўрнатиш каби ишлар белгилаб олинган бўлса-да, аммо совет ҳукуматининг турли йилларда олиб борган диний сиёсати натижасида бу ташкилот давлатнинг мақсадларини амалга оширувчи восита вазифасини бажариб келди. Шунингдек, унинг фаолияти “махсус орган”ларнинг доимий назоратида бўлди. Бунинг учун 1944 йилдаёқ назоратни амалга ошириш мақсадида СССР Министрлар Совети таркибида Дин ишлари бўйича Кенгаш (“Совет по делам религиозных культов”, 1965 йилдан эса, “Совет по делам религий”) тузилди. Шу билан бирга, СССР ХКСнинг 1944 йил 20 майдаги ва ЎзССР ХКСнинг 1944 йил 9 августдаги қарорларига асосан республикада Диний ишлар кенгаши вакиллиги таъсис этилди¹⁰. Бу билан давлат, биринчидан, дин ёрдамида уруш йилларида халқнинг ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлаш, унинг сафарбарлигини ошириш

⁶ Бабахановы // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып. 4. – М.: Восточная литература. 2003. – С. 12-14; Йўлдошхўжаев Х., Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. – Тошкент, Monogounnahr. 2015. – Б. 65-81.

⁷ Бобохонов Ш. Сўнмас зиё. Шайх Зиёвуддинхон ҳазратларининг хаёт ва фаолиятлари. – Тошкент, Маънавият. 1998. – 144 б.; Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон // Замонамиз уламолари. Имом ал Бухорий халқаро жамғармаси. Таҳр. З.Мунавваров ва бошқ. – Тошкент, 2001. – Б. 6-26; Турсун А. Улуғларни эсласак раҳмат ёғилар // Ҳидоят. 2006 йил 8-сон. – Б. 8.

⁸ Усмонхўжаев А. Шамсиддинхон Бобохонов ибрати // Ҳидоят. 2012. 4-сон. – Б. 22-23; Усмонхўжаев А. Дарёдил аллома. Рисола. – Тошкент, Фафур Фулом нашриёти. 2017. – Б. 149-150.

⁹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып.4. – М.: Восточная литература. 2003. – С. 53-55.

¹⁰ ЎзР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 2-ийнмажилд, 2-варақ; Арапов Д.Ю. Ислам и советское государство (1944-1990) Документы. – М.: Марджани, 2011. – С. 14-17.

мақсадини кўзлаган бўлса, иккинчидан диний ташкилотлар воситасида ҳудудлардаги бошқарувни назоратга олишга эришди. Бошқача айтганда, давлат ўз мақсадини амалга оширишда диний эътиқодга ён босиш (компромисс)га киришди. Келишув икки томонлама бўлиб, совет ҳукумати мусулмон Диний бошқармаларни ташкил қилишда ўз мақсадларини кўзлаган бўлса, мусулмон уламолари ислом динининг яшаб қолиши ва мавжудлигини таъминлаш мақсадида ён беришга ҳаракат қилганлар. Диний бошқарманинг мавжудлиги давлатнинг дин устидан назорат регламентациясини амалга ошириш вазифасини бажарган деб баҳолаш мумкин. Идора Ўзбекистондаги мусулмонлар ўртасида диний ишларни бошқариб туради, фатволар беради, масжидларга имом-хатиблар тайинлайди, диний ходимлар тайёрлайди. Моддий жиҳатдан мусулмонлардан масжидларга тушадиган хайр-эҳсон, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқалар ҳисобига таъминланади. Идора раҳбар органи – Олий ҳайъат. Унинг раиси муфтий ҳисобланади. Идоранинг ҳуқуқшунослик, халқаро алоқалар, таълим ва кадрлар тайёрлаш, масжидлар ва фатво бўлимлари бор. Тошкентдаги Имом Бухорий номидаги ислом институтида (1971) ва 9 та ўрта махсус ислом билим юрти (шулардан 2 таси хотин-қизлар билим юрти)да кадрлар етиштирилади. Идора муассислигида «Ҳидоят» журнали ва «Ислом нури» газетаси нашр этилади. Идора тасарруфидаги «Мовароуннахр» нашриёти диний адабиётлар, диний тақвим ва бошқаларни чоп этади. Мусулмонлар идораси хорижий мамлакатлардаги кўпгина диний ташкилотлар билан алоқа қилади. Ҳар йили 3,5–4 минг кишининг ҳаж сафарини уюштиришда фаол иштирок этади. Идора ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга риоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 23 августдаги 364-сон қарорига асосан идора қошида махсус жамғарма ташкил этилди. У ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш, мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш ҳамда дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Халқаро Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият бўйича муассасаси ISESCO (АЙСЕСКО) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиши муносабати билан Ҳастимомда Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов ташаббуси билан кенг кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилди, хусусан, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси учун янги, замонавий мухташам бино қурилди. Унинг ҳар бир хонаси энг замонавий иш қуроллари ва компьютер техникаси билан жиҳозланди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси давлатимиз ва жамиятимиздаги диний масалалар юзасидан, халқимизга ёшларимизга йўл кўрсатувчи идора вазифасини бажариб келмоқда.

REFERENCES

1. З.Халилова 1945-1991 йилларда Ўзбекистонда ислом таълими: ҳолати ва замонавий тарихшунослиги .Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферат.Тошкент : 2018
2. Йўлдошхўжаев А. Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2015. 29-30 бетлар.
3. Булатова В.А. Медресе Барак-хана (комплекс Хазрет-имам). – Ташкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 9; Бароқхон мадрасаси // Ислом нури. 2012 йил 29 февраль, 6-бет; Бароқхон // Исломшунослик комусий луғати. – Тошкент: Мовароуннаҳр. 1-жилд. 2013. –Б. 102-103.
4. ЎЗР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 2-варак; Арапов Д.Ю. Ислам и советское государство (1944-1990) Документы. – М.: Марджани, 2011. – С. 14-17.
5. Бабахановы // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып. 4. – М.: Восточная литература. 2003. – С. 12-14; Йўлдошхўжаев Х., Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. – Тошкент, Мовароуннаҳр. 2015. – Б. 65-81.
6. Benningsen A. Islam in the soviet union // Journal of the South Asian and Middle Eastern Studies. – Вилланова. 1985. Vol.8. № 4. – P. 115-133.
7. Арапов Д.Ю. Ислам и советское государство (1944-1990) Документы. –М.: Марджани, 2011. – С. 14-17.
8. Kattakulovna, T. S. (2020). The Importance Of The Discussion Method In The Development Of Argumentative Competence In Students. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(09), 442-446.
9. Turabova, S. K., & Juraeva, V. F. (2019). THE SOCIO-POLITICAL SIGNIFICANCE OF THE PHENOMENON SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE DEVELOPMENT OF THINKING OF THE PEOPLES OF THE EAST. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(8), 168-174.